

“ТЕМУР ТИГИ ЕТМАГАН ЖОЙНИ ҚАЛАМ БИЛАН ОЛДИ АЛИШЕР”



Сўз мулкининг соҳибқирони

Алишер Навоий ўзбек адабий тили ва адабиётига асос солган буюк сўз санъаткори, Шарқ ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий тафаккур тараққиётига катта ҳисса қўшган забардаст мутафаккир, Ҳусайн Бойқаро салтанатининг барқарорлиги ва гуллаб-яшнашини таъминлаган йирик давлат арбоби, илму фан, адабиёт ва санъатнинг улкан ҳомийси бўлган машҳур маърифатпарвар зот сифатида ўзбек тили, тарихи, адабиёти, маданияти ва санъати ривожида алоҳида ўрин тутади.

Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий ижодига юксак баҳо бериб, нафаси ўликларга жон бағишилаган Исо Масиҳ каби туркий тилнинг ўлган жасадига рух ато этган сўз мулкининг соҳибқирони деб таърифлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг қудратли қалами кучи билан ҳаётлигига ёқ Шарқ мамлакатларини забт этиб:

Олибмен таҳти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Ҳурсон.
Ҳурсон демаким, Шерозу Табрез –
Ки, қилмишдур найи килким шакарrez.
Кўнгул бермиш сўзимга турқ, жон ҳам,
Не ёлғуз турқ, балким туркмон ҳам, –

дэя ўзининг тенгсиз шеърий салоҳияти, асарларининг шуҳрати билан ифтихор этган шоир бугунги кунда беш аср беридаги забардаст халафи Абдулла Орипов ҳавас ва ҳайрат билан ёзганидек, “миллиард мартабали жаҳон” илму адаб аҳлининг эътиборини ўзига қаратиб турибди.

Юксак бадиияти, теран фалсафаси, кенг қамрови, умуминсоний масалалар ўзининг ҳассос ифодасини топгани жиҳатидан Алишер Навоий асарлари жаҳон адабиётининг энг баркамол намуналари билан бўйлаша олади ва шоирнинг ўзи дунёнинг Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Румий, Ҳофиз, Данте, Шекспир, Бедил, Ҳёте, Бальзак, Пушкин, Толстой каби буюк санъаткорлари билан бир қаторда туради.

«... Бу улуғ амир дину давлат ҳомийси, шариат ҳамда миллатнинг
пушти паноҳидир»

Давлатшоҳ Самарқандий.

«Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожизтуур».

Хусайн Бойқаро.

«...туркий тилда ҳеч ким Навоийдек кўп ва хўп шеър айтмаган
ҳамда назм гавҳарларини сочмаган эди».

Абдураҳмон Жомий. «Баҳористон» дан.

«Ундан аввал ва ундан кейин ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан
кўпроқ ва ундан юксакроқ ёзолган эмас. У форсий шеърни ҳам кўп
ёзган.»

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. «Тарихи Рашидий»дан.

«Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър
айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас.»

Захиридин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома»дан.



“Агар бу улуг зотни авлиё десак,
у авлиёларнинг авлиёси,
мутафаккир десак,
мутафаккирларнинг мутафаккири,
шоир десак, шоирлар султонидир”.

Ислом Каримов.
"Юксак маънавият - ёнгилмас куч".

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо бошқарувидаги Хузросон мулкининг пойтахти Ҳирот шаҳрида туғилди. Замондошлари у ҳақида кўпинча “Низомиддин Мир Алишер” деб ёзадилар. “Низомиддин”-“дин-диёнат низоми” дегани бўлиб, донишманд мансаб эгаларига бериладиган сифат, “мир” – амир демакдир. Унинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад (уни Ғиёсиддин Кичкина ҳам дер эдилар) темурийлар саройи ва хонадонининг амалдорларидан, ишончли кишиларидан эди. Онаси амирзода Шайх Абусайд Чангнинг қизи бўлган, исми маълум эмас.

Буюк шоир ўз асарларида бу қутлуғ даргоҳга яқинлигидан ифтихор этишини баён қиласди. Шунингдек, унинг таржимайи ҳолига оид айрим лавҳалар асарларида учрайди. Бу табаррук зот тўғрисидаги баъзи маълумотларни эса унинг замондошлари ўз китобларида берадилар. Алишер сарой муҳитида яшаганлиги учун алоҳида тарбия ва назоратда ўсди. Кичиклик чоғидан шеър ва мусиқага ишқи тушди. Олим-у фозиллар даврасида бўлди. Уч-тўрт ёшларида даврининг машҳур шоири Қосим Анворнинг бир шеърини ёд айтиб, меҳмонларни ҳайратга солди. Бир йилдан сўнг уни мактабга бердилар. У бўлажак султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди. Унинг зеҳни ва иқтидори ҳақидаги гаплар эса эл орасида тарқалиб борди.

1447 йилда Шоҳруҳ Мирзо вафот этиб, темурий шаҳзодалар ўртасида тахт учун кураш бошланади. Ҳирот нотинч бўлиб қолади. Алишерлар оиласи Ироққа йўл олади. йўлда, Тафт шаҳрида Алишер замонасининг машҳур тарихчиси, “Зафарнома”нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан учрашди.

Алишер хонадони 1541 йилда Хиротга қайтади. Тарихчи Хондамир бу билан боғлиқ шундай бир ҳикояни келтиради: Карвон Язд чўли билан Хиротга бораркан, тунги юришлардан бирида от-улов устида ҳаммани уйқу босади. Алишер минган от, иттифоқо, йўлдан чиқиб, бўлажак шоир эгардан тушиб қолади, уйқу зўрлик қилиб, уйғонмайди. Ҳориган от ҳам эгаси ёнидан кетмай, тўхтаб қолади. Алишер тонг отиб, қуёш қизиганда уйғонади. Қараса, поёнсиз сахро, атрофида ҳеч ким ёўқ. Ёлғиз отигина ёвшан илдизларини чимдиб турибди. Ўн ёшли бола ўзини қўлга олади. Отини миниб, зехн билан йўлни топиб илгари юради. Кун қизиб, чанқоқлик бошланади. Шу пайт узокдан бир нарса қорайиб кўринади. У сув тўла меш экан, Оллоҳга шукуроналар айтиб, Алишер йўлини давом эттиради. Унинг ота-онаси манзилга етгач, ўғилларини ёўқлигини биладилар ва мулозимни шошилинч орқага қайтарадилар. Мулозим кўп юрмай, Алишерга дуч келади. Алишерни, гўё у қайта туғилгандай, қувонч билан кутиб оладилар.

1452йилда Абулқосим Бобур Мирзо Хурросон тахтига ўтиради, нотинчликлар босилади. Ғиёсиддин Муҳаммад Сабзаворга ҳоким қилиб тайинланади. Алишер эса ўқишини давом эттиради. Мактаб ёш Алишерни шеърият, адабиёт оламига олиб кирди.

Бўлажак шоир Саъдий Шерозийнинг “Гулистан”, “Бўстон”, асарларини, Фарииддин Атторнинг “Мантиқ ут–тайр”ни сўнгсиз иштиёқ билан ўқиди. Айниқса, қушлар тилидан келтирилган ҳикоятлар ва уларнинг чуқур мазмуни Алишернинг ўй–хаёlinи тамом эгаллаб олди. “Мантиқ ут–тайр” хаёли Алишерга бир умр ҳамроҳ бўлди. Умрининг сўнгида эса “Лисон ут–тайр”(“Қуш тили”) номи билан китоб ёзди. Бўлажак шоир яна Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий асарларини севиб ўқир эди.

1453 йилда Алишернинг отаси Фиёсиддин Мухаммад вафот этади. Алишер Абулқосим Бобур хизматига кирди. Аввал Сабзаворда, сўнг Машҳадда яшади. Икки мактабдош дўст – Ҳусайн ва Алишер яна бирга бўлдилар. Бир муносабат билан у 50 минг байт, 100 минг мисра шеър ёд олганини айтди. Шеър шунчаки нутқ ўстириш эмас, маърифат, тафаккур машқи ҳам эди. Навоий 15 ёшларида ўз шеърлари билан замонасининг машҳур шоирлари диққатини торди. Хондамирнинг ёзишича, шеърлари билан эндиGINA танилиб кела бошлаган Алишер ўз даврининг донгдор шоири Мавлоно Лутфий хизматига боради. Мавлоно ундан шеър ўқишни илтимос қилади. Алишер ўзининг: *Оразин ёпғоч, кўзимдин сочишур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз нихон бўлғоч қуёш.* матлаъи билан бошланадиган ғазалини ўқиёди. Шеърдан ҳайратга тушган кекса шоир бундай дейди: “Валлоҳ, агар мұяссар бўлса эди, ўзумнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн–ўн икки минг байтимни шу ғазалга алмаштирадим ва буни ўзимнинг катта ютуғим деб ҳисоблар эдим”. Бу туркий (ўзбек) шеъриятига жуда катта истеъдод кириб келаётганидан нишона эди.

Алишер Навоийнинг болалиги

- 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрининг Боғи Давлатхона аталмиш жойида таваллуд топган.
- 4-5 ёшида Фаририддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини севиб мутолаа қилган.
- 8-9 ёшидан бошлаб шеърлар машқ қила бошлаган.

Алишер Навоийнинг йигитлик йиллари

1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этди. Ҳокимият тепасига Абусайд Мирзо келди. Ҳусайн Бойқаро тахт учун курашга шўнғиб кетди. Навоий эса Машҳад мадрасаларида ўқиши давом эттириди. Дўстлар орттириди. Кекса шоир Камол Турбатийни шу ерда учратди. Турбатлик бу шоир Алишер билан бир байт муҳокамаси устида танишиб қолди. Шоир 1464 йилда Ҳиротга қайтади. Бироқ пойтахтда уни ноҳушликлар кутади. Абусайд Мирзо у билан тахт талашаётган Ҳусайн Бойқарони яқин кишиларини таъкиб ва тазиик остига олган, жумладан, тоғалари Мирсаид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийларни олдинма-кейин қатл эттирган эди. Улар истеъдодли шоирлар эди. Алишернинг ота мулки мусодара қилинган, ҳатто яшаб тургани бошпана ҳам қолмаганди. У шаҳарда узоқ қола олмади. Ҳолбуки, ёш шоирнинг ижоди барқ урган пайти эди. Абдураҳмон Жомийдек замонасининг аллома адиби билан яқиндан танишиб, сабоқлар олган, меҳр қозонган эди. Навоий – «Нуран Махдум» деб эъзозлаган бу машҳур шоир ва олим ўзини сиёсатдан узоқ тутар, ҳатто шаҳар ташқарисидаги Саъдиддин Кошғарий (1456 йилда вафот этган машҳур шайх, Жомийнинг устози) мозори ёнидан жой қилиб, ўша ерда яшар эди.

Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактуби бор. У “Маснавий” номи билан “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи девонига киритилган. Мутахасисслар уни Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга жўнаш олдиdan ёзган мактуби деб ҳисоблайдилар. Чамаси, шоир сафар олдида Ардашер билан хайрлашмоқчи бўлган, лекин уни топмаган. Сўнг ушбу мактубни ёзиб қолдирган. Мактуб Алишернинг сафар олдидаги кечинмалари ва ўз отасидек яқин кўрган Сайид Ҳасан Ардашернинг сифатларини таъриф этиш билан бошланади. Ватан ва дўстларни ташлаб кетиш оғир. Хайрлашмай кетиш ундан ҳам оғир. У улуғ дўстига кетиши сабабларини тушунтирумокчи. Хат шу муносабат билан ёзилган. Инсон сўз билан улуғdir, “фалак жисмининг жони” сўз, айқиса “назм” (шеър), дейди шоир. Ва ўзида шеър ёзишга жуда катта куч–қудрат сезаётганини айтади. Шундай қудратки, агар Фирдавсий ўз “Шоҳнома”сини 30 йилда ёзган бўлса, у ўшандай асарни 30 ойда ёза олади. Низомий Ганжавийнинг 30 йил сарфлаб майдонга келтирган “Хамса”си унинг олдида 2-3 йиллик ишдир. Фақат унга имкон керак. Юрт эса нотинч, одамларда вафо йўқ. Инсонийлик қолмаган зулм авжида. Ҳатто тасали берувчи киши ҳам йўқ. Кетаман, десанг этагиндан тутадиган умр йўлдошинг, кетсанг, айрилиқдан эзиладиган дўстинг бўлмаса.

Навоий 60- йилларнинг иккинчи ярмида Самарқандда яшади. Унинг бу шаҳарга келиши сабабини турлича талқин қиласидилар. Хондамир, ўқиши учун келди, дейди. Тўғри у Самарқандда дин хуқуқшуноси ва файласуф Фазлуллоҳ Абуллайс қўлида ўқиди. Захириддин Бобур уни Абусайд сургун қилди дейди. Бунда ҳам асос бор. Абусайднинг Алишерга муносабати ёмон эди. Шоир Самарқандда дастлаб моддий қийинчилик ичидаги яшайди. Кейинроқ унга шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек рағбат ва ҳомийлик кўрсатади. Нихоят, Самарқанд ўз гўзаллиги билан ҳам Навоийни мафтун этади. Шоир уни “фирдавсмонанд” (жаннатмисол) деб атайди ва унга ҳеч қачон “гарди фано” ўлтирмаслигини – заволикка юз тутмаслигини истайди. Навоий шу йиллари шоир сифатида жуда катта шуҳрат топа борди. 1465-1466 йилларда унинг мухлислари шеърларини тўплаб, девон тузадилар. Бу китоб бугун “Илк девон” номи билан машҳурдир. 1468 йил охирида Эронни эгаллаш учун бўлган жангда Абусайд ҳалок бўлади. Ҳусайн Бойқаро 1469 йилнинг бошида Ҳиротни кўлга олади ва Самарқандга хат йўллаб, Навоийни ўз ёнига чақиради. Ҳусайн Бойқаро уни давлат ишларига жалб этади. Муҳрдор қилиб тайинлайди.

Давлат ва жамоат арбоби

Алишер Навоий 1469-1472 йилларда муҳрдор, 1472-1476 йилларда вазир бўлиб ишлайди. 1487-1488 йилларда Астрободга ҳокимлик қилди. Ҳусайн Бойқаро уни ўзига ғоят яқин тутар, ҳар бир нарсада у билан маслаҳатлашар ва буни ниҳоятда қадрлар эди. Тўғри, Бойқаро ва Навоий ўртасига учинчи киши аралашган, совуқчилик тушган пайтлар ҳам бўлди. Лекин ўз даврининг икки атоқли арбоби ҳамкорлиги жуда кўп синовлардан муваффақият билан ўтиб, авлодларга ўrnак бўлди. Ҳусайн Бойқаро салтанатининг даслабки йилларида жуда нотинч кечди. Хондамирнинг ёзишича, у тахтга чиқсан йилнинг ўзида Абусаид Мирзонинг ўғли Ёдгор Муҳаммад тахт даъвоси билан қўзғалди. Ҳусайн Бойқаро унга қарши қўшин тортади ва ғалаба қозонади.

1470 йилнинг баҳорида Ёдгор Мирзо Астрободда яна бош кўтаради. Ҳусайн Бойқаро Навоийни ёнига олиб, қўшин билан яна йўлга тушади. Худди шу пайт Ҳиротда қўзғолон бўлганлиги хабари келади. Ҳусайн Бойқаро Навоийни унга катта ваколатлар бериб пойтахтга қайтаради. Навоий шаҳарда адолатни тиклаб, халқни тинчлантиради. Алишер ижод кишиси эди.

У табиатан буйруқвозлик ва ҳукмфармонликтан йирок, тафаккур хамда тахайюлга мойил, ғоят нозиктаъб бир киши эди. Мансаблавозимлар ҳар қанча юксак бўлмасин унинг учун зил-замбил юк бўлиб, Ҳусайн Бойқарога бўлган ихлос ва муҳаббатигина уни истеъро беришдан сақлаб турар эди. Шунга қарамасдан, у садоқат билан хизмат қилди. Донишмандлиги, тадбиркорлиги билан кўплаб ғалаёну қон тўкишларининг олдини олди, урушларни ярашга айлантириди.

Унинг бу фазилати, айниқса, 1472-1476 йиллардаги вазирлик фаолиятида яққол намоён бўлди. Ҳусайн Бойқаро ҳокимият ишларида Навоийнинг ақл ва садоқатига таяниб иш кўрди. Уни, қаршилигига қарамасдан, юқори мартабаларга тайинлади, 1472 йилда эса “амир”(вазир)ликка қўйди. Буюк шоир “амири кабир” (улув амир), “амир-ул муқарраб” (подшога энг яқин амир) унвонларига мушарраф бўлди. Унинг вазирлик йиллари Ҳиротда ободонлик авж олган, маданият гуллаб яшнаган давр бўлди. Улуғ амир ўзи бош бўлиб, сувсиз ерларга сувчиқарди, эски ариқларни тозалатирди, янги каналлар қаздирди. Эски биноларни таъмир қилдириб, янгиларини қурдирди. Қанчадан-қанча мадрасалар, хонахоклар солдирди.

Ижод оғушида

Алишер Навоий шеър ва шоирликни ҳамма нарсадан баланд тутди. Вазирлик мартабасида туриб ҳам шеър ёзишни тўхтатмади. Атрофидагилар унинг бу ишига рағбат ва хурмат билан қарадилар. Шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг ўзи унга раҳнамолик қилди. Улуғ шоирнинг илк шеърий девонини мухлислари тузган бўлсалар, биринчи девони – “Бадоев ул-бидоя” (“Бадийлик ибтидоси”)ни 1472-1476йилларда шоҳнинг амири ва истагига кўра ўзи китоб қилди. 1485-1486йилларда иккинчи девон – “Наводир ун-нихоя” (“Нихоясиз нодирликлар”) майдонга келди. Алишер Навоий 1481-1482йилларда “Вақфия” асарини ёзади. Вақф деб бирор хайрли ишнинг сарфу харажатини таъмин қилмоқ учун ажратилган ер ёки мулкка айтилади. Алишер Навоийнинг энг катта орзуси достон ёзиш, биринчи навбатда, XII асрнинг буюк шоири Низомий Ганжавий (1141-1209) дан кейин шоирлик қудтарининг мезонига айланиб қолган “Хамса” яратиш эди. Низомийнинг “Панж ганж” номи билан тарихга кирган “Хамса”си 5 маснавийдан ташкил топган эди: “Махзан ул - асрор” (“Сирлар хазинаси”), “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”), “Искандарнома”. Юз йилдан кейин унга Хусрав Дехлавий (1253-1325) жавоб қилди. У ўз достонларини “Матлаъ ул-анвор” (“Нурлар бошланиши”), “Ширин ва Хусрав”, “Мажнун ва Лайли”, “Ҳашт беҳишт” (“Саккиз жаннат”), “Ойнайи Искандарий” (Искандар ойнаси) деб атади. Лекин булар ҳаммаси форсий тилда ёзилди. Улардан форслар, шу тилни билганларгина баҳраманд бўлдилар. Ўз халқининг шундай хазинадан бебаҳра қолиши Навоийни қийнади.

Алишер Навоий 12 ёшида

"Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур
ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз
ниҳон бўлғоч қуёш..."

матлаъси билан бошланувчи
ғазали билан

"Малик ул-калом" мавлоно Лутфий
эътирофига сазовор бўлган.



Шоир девонлари

"Илк девон"

"Хазойинул-
маоний"
(“Чор девон”)

"Девони
Фоний"

"Бадоеъ
ул-бидоя"

"Наводиран-ниҳоя"

Алишер Навоий асарлари

"Хамса"

"Мезон ул-авзон"

**"Мажолис
ун-нафоис"**

"Арбаин"

"Маҳбуб ул-қулуб"

**"Тарихи мулки
Ажам"**

**"Мухокамат
ул-луғатайн"**

"Лисон ут-тайр"...

Навоий маслаҳатга устози Абдураҳмон Жомий ҳузурига боради. Жомий Навоийни бу ишга тезликда киришишга ундейди, унинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини мустаҳкамлайди. Навоий беш достонни икки йилда тамомлайди. 1483 йилда ўз “Хамса” сини ёза бошлаб, 1485 йилнинг бошида тугатади. Шоир ишлаган кунлар ҳисобга олинса, 54 минг мисралик улкан обида б ойда битказилади. Туркий тилда биринчи маротаба “Хамса” яратилади. Олиму фузало барча бу ҳодисани зўр олқиши билан кутиб олдилар. Зайниддин Восифийнинг “Бадое улвақое”сидан: “Шоҳ Навоийга: “Бир можаро Сиз билан бизнинг орамиздан кўпдан хал бўлмай келади, шуни бугун бир ёқлик қиласайлик”, дейди. Бу можаро шундан иборат эдики, Султон Ҳусайн Алишернинг муриди бўлишини кўпдан орзу қиласи ва уни “пирим” деб атар эди.

Алишер эса ҳар гал: “Ё Олло, ё Олло, бу қандай гап бўлди! Аслида- биз муридмиз, сизҳаммамизга пирсиз”, дер эди. Энди Султон Ҳусайн Алишердан сўради:

- Пир нима-ю, мурид нима?
- Алишер жавоб берди:
- Пирнинг тилаги – муриднинг тилаги бўлиши керак.
- Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишини буюради. От жуда асов, чопағон эди.

Султон Ҳусайн айтди:

- Мен пир, сиз мурид бўладиган бўлсам, Сиз шу отга минасиз, мен уни етаклайман.

Алишер ноилож отга минишга мажбур бўлади. От ғоят асов бўлиб, шоҳдан бошқани ўзига яқинлаштирмас эди. Алишер оёғини узангига қўйиши билан от типирчилай бошлади, Султон Ҳусайн отига ўшқирди, от итоат қилиб, Алишернинг минишини кутди. Алишер эгарига ўтириши билан Султон Ҳусайн отининг жиловидан ушлаб етаклай бошлади. Алишер ҳушидан кетди. Уни эгардан кўтариб олдилар.

Тарихда бундай ҳол кўрилмаган эди. Ҳеч бир замонда шоҳ шоирга жиловдорлик қилмас эди. 1480-1490 йиллар Навоий учун бадиий ижодда самарали давр бўлди. Шоир “Хамса” дан кейин кўп ўтмай, кетма-кет насрий китоблар яратди. У 1488 йилда ёзган “Тарихи мулки ажам” (“Ажам шоҳлар тарихи”) шуларнинг бири эди. Бу асар “Муҳокамат ул-луғатайн”да “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) деб ҳам аталади. 1480 йилларнинг охири, 1490 йилларнинг бошида Навоийнинг яқин дўстлари, устозларидан Сайид Ҳасан Ардашер (1489), Абдураҳмон Жомий (1492) кетма-кет вафот этдилар. Навоий уларга бағишлаб “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Хамсат ул-мутаҳайирин” асарларини ёзади. Бу асарлар насрий бўлиб, шоирнинг бу улуғ замондошлари ҳақидаги мемуар хотираларидан ташкил топган эди. 1491 йилда муаммо жанрига бағишланган “Рисолайи муаммо” (иккинчи номи “Муфрадот”) рисоласини ёзди. Навоий замонида муаммо жанри кенг тарқалган бўлса -да, асосан, форс тилида ёзилар эди. Навоий ўзбек тилида муаммо ёзган ilk ўзбек шоирларидан ҳисобланади. “Ҳазойин ул-маоний”га унинг 52 муаммоси киритилган. Шоирнинг форс тилидаги муаммоларини эса 500 чамалайдилар. Навоийнинг 1490 йиллардаги энг катта хизматларидан бири “Ҳазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”)ни тузиш бўлди. 1492-1498 йилларда тартиб қилинган 4 қисм девондан иборат бу улкан шеърий куллиёт шоирнинг туркий тилда ёзилган деярли барча лирик шеърларини қамраб олган эди.



Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў қелмади.
Оразидек ондин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлғанда қоранг қелмади.
Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.
Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.
Толиби содик топилмас, йўқсаким қўйди қадам
Йўлғаким аввал қадам, маъшуқи ўтру келмади.
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

Алишер Навоий

Ҳаётининг сўнгги йиллари.

1490 йилларнинг бошидаги оғир йўқотишлар, айниқса устози Жомийдан жудо бўлиш Навоийга қаттиқ таъсир этди. Бунинг устига саройда Хадичабегим Низом-улмулк билан мулк ва мансаб иштиёқида янги-янги фитналар тўқиёдиди. Шу фитналар натижаларидан бири пок қалбли барча кишиларни ларзага солиб, мамлакатни ҳалокат ёқасига келтириб қўяди. Бу–Мўмин Мирзонинг ўз бобоси фармони билан қатл қилиниши эди. 1489 йилда Навоий Ҳиротга қайтгач ўрнига Астробод ҳокими қилиб Бадиuzzамонни тайинлаган эди. Бу орада Балхда Навоийнинг укаси Дарвешали қўзғолони бошланади. Ҳусайн Бойқаро Навоийни олиб, Балхга жўнайди. Дарвешали билан сулҳ тузилади, лекин Ҳисорда Абусайднинг ўғли Султон Маҳмуд Ҳусайн Бойқарога қарши кураш бошлайди. Шоҳ Навоийни Балхда қолдириб, ўғли Бадиuzzамонни олиб Ҳиротга отланади. У билан ҳам муросага келишиб, орқага қайтади ва Балхни Бадиuzzамон тасарруфига беради.

1498 йилда Алишер Навоийнинг шоирлар ҳақидаги тазкира асари бўлган “Мажолис ун-нафоис” ни қайта кўздан кечириб, тўлдирди. Шоирлар ададни 459 тага етказди. Шу йили ёшлигидан қалбida мұхирланиб келган “Мантиқ ут-тайр” га жавоб ёзади. “Лисон ут-тайр” Навоий ижодини якунловчи асарлардан биридир. Буюк шоир 1498-1499 йилларда хатларини тўплаб, “Муншаот” асарини тузди. Унда 88 та хат жамланган бўлиб, уларнинг аксарияти шоҳ ва шаҳзодаларга йўлланган. Шоирнинг 1500 йилнинг охирларида ёзиб тугатган “Маҳбуб ул-қулуб” асари унинг энг сўнгги асари бўлиб қолди. Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этади. Бутун халқ – шоҳдан - гадогача, олимдан чўпонгача, шоирдан дехқонгача улуғ фарзандининг ўлимига қайғу ва изтироб билан мотам тутади.

Навоий даҳоси туфайли инсоният тарихида дунёning турли жойларида яшаётган туркий халқлар якқалам қилинди, миллат маънавий мероси умумжаҳон хазинасидан мустаҳкам ўрин олди. Мустақил Ўзбекистонда Навоийни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикадаги энг йирик вилоятлардан бири ва унинг маркази, Ўзбекистон Давлат мукофоти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти, опера ва балет академик театри, Ўзбекистон Давлат кутубхонаси, Ўзбек тили ва адабиёти университети ва бошқа юзлаб маданий-маърифий муассасалар, жамоа хўжаликлари улуғ шоир номи билан аталади.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 январь куни
Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.**

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонга асос солган, халқимиз меҳрини қозонган, халқаро миқёсда тан олинган давлат ва сиёsat арбоби эди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг эътибори ва тегишли қарори билан унинг хотираси абадийлаштирилди, ҳурмати жойига қўйилди. Биринчи Президентимиз таваллуд топган 30 январь кунини нишонлаш эзгу анъанага айланди.

“Бу санани муносиб ўтказиш бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва савиямизни намоён этади” деган эди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Куръони каримдан тиловат қилинди. Ислом Каримовнинг серқирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Гул қўйиш маросимида Президент Администрацияси, парламент палаталари ва ҳукумат аъзолари, илм-фан ва маданият намояндлари, зиёлилар, шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.

Биринчи Президентимизнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидағи ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.



ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМЛАР ВА ЁШЛАР БИЛАН ФИКР АЛМАШДИ

Бироз аввал хабар қилганимиздек, Президент Шавкат Мирзиёев олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш сектори вакиллари билан учрашув ўтказди. Унда илм-фан соҳасидаги энг муҳим вазифалар мухокама қилинди. 2020 йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниб, бу борадаги устувор мақсадлар белгиланди. Юртимизда аввалдан шаклланган илмий мактаблар салоҳиятини ҳисобга олиб, ҳозирги босқичдаги миллий манфаатларимиз ва тараққиётимиз йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, бу йил математика, кимё, биология, геология фан ва соҳаларини ривожлантириш танлаб олинди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг математика фани бўйича салоҳияти дунё миқёсида тан олинганини, функционал таҳлил ва дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра йўналишлари бўйича нуфузли мактабларимиз шаклланиб фаолият юритаётганини, етти нафар математик олим Бутунжаҳон фанлар академияси аъзоси эканини алоҳида таъкидлади. Кўплаб хорижий илм-фан марказлари, хусусан, Бонн, Кембриж, Париж, Сеул каби йирик шаҳарлардаги етакчи илм даргоҳлари билан биргаликда қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришга оид қарорининг ижроси доирасида пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг Математика институти учун замонавий талаблар асосида янги бино барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев бугунги учрашувда математикада илмий тадқиқотларни амалиёт билан боғлаш, рақамли иқтисодиёт учун мустаҳкам пойдевор яратиш борасидаги долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди. Ёшларда математика фанига қизиқиши кучайтириш, иқтидорли болаларни селекция қилиб, ихтисослаштирилган мактаблар ва кейинчалик олий таълим муассасаларига қамраб олиш ишларини тўғри ташкил қилиш кераклиги таъкидланди. Болалар учун мазкур фандан оддий ва тушунарли тилда ёзилган оммабоп дарслик ва ўкув қўлланмалари яратиш, математик онгни, керак бўлса, боғчадан бошлаб шакллантириш вазифаси қўйилди. - Математика ҳамма аниқ фанларга асос. Бу фанни яхши билган бола ақлли, кенг тафаккурли бўлиб ўсади, исталган соҳада муваффақиятли ишлаб кетади, - деди Президент. Ҳар бир туман марказида биттадан математика фанига ихтисослашган мактаб ташкил қилиб, уларда ишлайдиган ўқитувчиларга қўшимча устама ҳақлар тўлаш бўйича кўрсатма берилди. Ушбу муассасаларда ўкув жараённи илмий-методик таъминлаш учун Фанлар академиясининг Математика институти ҳамда Халқ таълими вазирлиги масъул этиб белгиланди. Математика фани бўйича ўкувчи, талаба ва ўқитувчилар ўртасида турли танловлар ўtkазиб, ғолибларни муносиб рағбатлантириш, олимпиада тизимини такомиллаштирган ҳолда совриндорларга бериладиган мукофотларни кўпайтириш мухимлиги қайд этилди. Ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш, математика фанидан билимларни баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини жорий этиш зарурлиги айтилди. Бундай сертификат эгасига олий ўкув юртига ўқишига киришда математика фанидан максимал балл берилади.

Юқори малакали педагоглар ва илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизими самарасини ошириш, Математика институтида илмий даража берувчи кенгашга тўлиқ мустақиллик бериш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимизда математика фани бўйича нуфузли халқаро анжуманлар ўтказиш, давлат бюджети ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан ҳар йили 100 нафар олимни хориждаги илмий тадбирлар ва стажировкаларга юбориш юзасидан топшириклар берилди. Бугун Ўзбекистонда кимё йўналиши бўйича тўртта илмий-тадқиқот муассасаси мавжуд, уларда 250 нафардан зиёд илмий ходим фаолият кўрсатмокда. Яратилган ишланмалар асосида янги ўғитлар, дефолиантлар, ўсиш стимуляторларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмокда. Президентимиз кимё соҳаси минерал ўғит ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётгани, бу йўналишдаги таълим ва илмий тадқиқотларни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Илмий ишланмаларни жорий қилиш самарадорлигини ошириш, бунинг учун тадқиқотларнинг тармоқ корхоналари эҳтиёжига ҳамоҳанглигини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди. “Ўзкимёсаноат” ва “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятларига ўз тизимидағи йирик корхоналарда замонавий инфратузилмага эга бўлган тажриба-ишлаб чиқариш лабораториялари ташкил этиш, уларни фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига йўналтириш эса Инновацион ривожланиш вазирлигига юкланди. Минерал ресурслардан фойдаланиш унумдорлигини ошириш мақсадида “Кўмир ва материаллар кимёси” илмий-тажриба лабораториясини, Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтида “Кўмир кимёси ва технологияси” илмий йўналишини ташкил этиш бўйича топшириклар берилди.

Геология ва кон-металлургия комбинатлари салоҳиятини бирлаштириш, замонавий Гео-инновацион технологиялар лабораторияси ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, «Рақамли геология» ва «Тоғ жинслари ва минералларнинг миллий электрон базаси» лойиҳаларини амалга ошириш, талабаларга юқори аниқликдаги космик суратлар асосида ери масофадан зондлаш усулларини ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва докторантура тизимининг натижадорлигини рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланди. Диссертациясини муддатидан аввал ҳимоя қилган докторантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари ёки маслаҳатчиларини муносиб рағбатлантириш мақсадида тежалган маблағларни тўлиқ тўлаб бериш амалиётини жорий қилиш таклифи билдирилди. Мутасаддиларга илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиши, унда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган илм-фан, технологик ва инновацион тараққиёт асосларини белгилаш вазифаси қўйилди. Бугун бўлиб ўтган очик мулоқотда илм-фан йўналишларида ечимини кутаётган масалалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари олимлар ва ёшлар билдирган таклифлар юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

ЁШ ОЛИМЛАРГА ГРАНТ АЖРАТИЛДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган “Республика ёш олимларининг инновацион лойиҳалари” грант танлови ғолиблари аниқланди.

Танлов якунларига кўра аник, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар йўналишида тўққиз нафар ёш олимга ўз лойиҳасини амалиётга бирламчи татбиқ этиши учун 5 миллион сўмдан берилди.

Ёш олимларнинг ушбу лойиҳалари ўзини оиласа ва уни Ўзбекистон шароитида амалиётга татбиқ этиш мумкин бўлса, уларга яна қўшимча 5 миллион сўмдан маблағ ажратилади.

Маълумот учун, “Республика ёш олимларининг инновацион лойиҳалари” грант танловида бакалавриат, магистратура, докторантурада таҳсил олаётган, шунингдек, мустақил изланувчи сифатида илмий изланишлар олиб бораётган 18-35 ёшдаги ёшлар ўзининг илғор лойиҳалари билан иштирок этишлари мумкин.



ЭТЬИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ